

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНГА ДОИР ҚАРАШЛАР

Хайдаров Мирали Акмалович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни

муҳофаза қилиш академияси магистранти

mirali.khaydarovv@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10912019>

Аннотация: Мазкур мақолада вояга етмаган шахсларни жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш тушунчаси ва унга доир қарашлар таҳлил этилган.

Калит сўзлари: Вояга етмаган, жинсий, жиноят, дахлсизлик, эркинлик, олдини олиш, криминология, сабаблар, шароит, тасниф.

Вояга етмаган шахсларни жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш тушунчаси ва унга доир қарашлар

Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод тарбиялашга бўлган манфаатларга тўла мос келади¹ ва ўйлашимизча, мазкур соҳадаги вазибаларнинг бир қисмини ташкил қилиши лозим.

Криминологияда жиноятчиликнинг олдини олиш деганда жиноятчиликни, алоҳида турдаги жиноятларни ҳамда аниқ жиноятларни аниқлаш, уларни камайтириш шароит ва сабабларини бартараф қилишга қаратилган ҳамда шахсларнинг яшаш муҳити ёки хулқи жиноят йўлига ўтиб қолиши ёки жиноий фаолиятга қайтишига олиб келувчи шароитларни бартараф қилишга қаратилган кўп босқичли давлат ва жамоат чоралари тизими тушунилади².

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай жиноятчиликнинг олдини олиш каби вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш ҳам илмий асосланган ва қонуний бўлиши даркор³.

Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммоларига оид М.Қ.Ўразалиев, А.Ирсалиев, Н.Т.Исмоилов, К.П.Пайзуллаев, В.Г.Файзуллаевлар томонидан номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган⁴.

¹ Шу ўринда мазкур масаланинг халқаро тоифадаги муаммолардан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлиб, 20 ноябрь 1989 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 34-моддасида Конвенция иштирокчиси бўлган ҳар бир давлат болани жинсий эксплуатация ва жинсий бузуқликнинг ҳар қандай шаклларида ҳимоя қилишга мажбур эканлиги ҳамда шу мақсадларида миллий ва халқаро доирада: а) болани ноқонуний ҳар қандай жинсий фаолиятга мажбурлаш ва жалб қилишни; б) болалардан фоҳишалик ёки бошқа ноқонуний жинсий фаолият эксплуатацияси мақсадида фойдаланишни; в) порнография ва порнографик материалларда болалардан уларни эксплуатацияси мақсадида фойдаланишни бартараф этиш чораларни кўриши зарурлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1992 йил 09 декабрда қўшилган.

² Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 247-248.

³ Абдурасулова Қ., Зокирова О. Криминология. Ўқув услубий қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2003. – Б. 28-29.

⁴ Ўразалиев М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш: Юрид.фан.номз.илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс... автореф. –Тошкент: ТДЮИ, 2008; Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноятишларини биринчи босқич судида юритишнинг хусусиятлари: Юрид.фан.номз.

Ижтимоий бошқарувнинг ҳар қандай соҳаси каби жиноятчилик-нинг олдини олиш муайян талабларга жавоб бера оладиган, муайян принципларга, яъни қонунийлик, демократизм, инсонпарварлик, адолатлилик, илмийлик принципларига асосланган бўлиши керак. Ана шундагина жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадига эришиш мумкин.

Жиноятчиликни олдини олишнинг у ёки бу чораси қўлланилганда муайян жойдаги шароит, вазият, шахсларнинг ижтимоий фаолият тури эътиборга олинishi керак. Бундай жиноятчиликнинг олдини олиш мақсади ва вазифаси, функцияси, ташкилий структураси аниқ белгиланган ва уларнинг ахборотлар, тегишли ресурслар билан таъминланганлиги шароитида амалга оширилиши керак⁵.

Криминологияда жиноятларнинг олдини олиш муаммоси анча кўп тадқиқ этилган масалалардан ҳисобланади, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича умумий назария яратилган, асосий методологик масалалар ўрганилмоқда, муҳим асосий қоидаларга таъриф берилган⁶.

Илмий адабиётларда ҳам, амалий ходимлар фаолиятида ҳам жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида сўз юритилгани “олдини олиш” ва “профилактика қилиш” атамалари билан бир қаторда “йўл қўймаслик” ва “тўхтатиш” атамаларидан ҳам фойдаланилади. Бу атамалар айрим ҳолларда тенг маънода, баъзан эса турли мазмунда қўлланилади⁷.

“Жиноятчиликка қарши кураш” ва “жиноятчиликнинг олдини олиш” тушунчалари бири-бири билан узвий боғлиқ. Шу сабабли назарияда уларни фарқлаш катта қийинчиликлар туғдиради, бироқ бу нафақат мумкин, балки кўрсатилган жиҳатларнинг ҳар бирини англаб етиш учун зарурдир. “Ҳуқуқбузарликларга қарши кураш” тушунчаси “жиноятчиликка қарши кураш” тушунчасига нисбатан кенгроқдир.

“Жиноятларни профилактика қилиш” жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. У жиноятчилик сабабларини ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни, уларнинг айрим гуруҳлари ва жиноятчилик турларини изчил аниқлаш ва бартараф этилишини назарда тутади.

Мазкур тушунчалар кенг маънода ҳам, тор маънода ҳам талқин қилиниши мумкин. Кенг маънода профилактика муайян жиноятларнинг содир этилишига йўл қўймаслик,

даражасини олиш учун ёзилган дисс...автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2006; Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари: Юрид.фан.номз.илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс... автореф. –Тошкент: ТДЮИ, 2006; Пайзуллаев К.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва экринлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номз.илм.даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореф. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. Файзуллаева В.Г. Влияние негативных изменений в социальной среде на криминализацию несовершеннолетних и молодежи и предупреждение преступлений среди них: Автореф. дисс. ... канд.юрид.наук. –Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2003.

⁵ Криминология. Учебник. – М.: Бек, 1996. – С. 178.

⁶ Пулатов Ю.С., Зарипов З.С. Некоторые вопросы совершенствования предупреждения правонарушений несовершеннолетних, вернувшихся из специальных учебно-воспитательных учреждений // Научное исследование Н.А.Стручкова и проблемы совершенствования исполнения уголовного наказания: Сб.науч. трудов. – Уфа, 1992. –С. 64-70; Пулатов Ю.С., Атаев Р. Уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш. –Тошкент, 1995; Зарипов З.С. Главное направление – профилактика правонарушений // Ҳуқуқ-Право-Law, 1998. -№2. – 26-28 с.; Жониқулов А.М. Жиноятчиликнинг олдини олишда ўтмиш мутафаккирлари маънавий меъросларининг ўрни // Ички ишлар органларининг жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2001. –Б.183-186.

⁷ Долгова А.И. Криминология. –М.: Норма, 2006. –С. 284.

жамият аъзоларини жиноятлардан муҳофаза қилиш, ҳуқуқ нормаларининг бузилишига йўл қўймаслик борасидаги фаолиятдир. Тор маънода профилактика, деганда жиноятларнинг сабаблари, уларнинг содир этилиши имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, хулқ-атвори жиноят содир этиш эҳтимоли борлигидан далолат берувчи шахсларни аниқлаш борасидаги фаолият тушунилиши лозим⁸.

Г.А.Лекаръ жиноятларни профилактика қилиш (жиноятни вужудга келтирувчи сабабларни ва уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш), олдини олиш (жиноят содир этиш ниятида бўлган шахсларни аниқлаш ва бу ниятнинг амалга оширилишига йўл қўймаслик мақсадида уларга нисбатан чоралар кўриш) ва тўхтатиш (жиноят содир этишга тайёргарлик кўраётган шахсларни аниқлаш ва тайёргарлик ҳаракатларининг жиноят содир этишга суиқасдга, суиқасд қилишнинг эса тамом бўлган жиноятга айланишига йўл қўймаслик мақсадида уларга нисбатан чоралар кўриш)ни фарқлаш лозим,⁹ деб таъкидлаган.

Профессорлар З.С.Зарипов ва К.Мирзажановнинг фикрига кўра, “нафақат соф профилактика фаолияти, балки мўлжалланаётган ёки тайёрланаётган ёхуд бошланган тажовузга йўл қўймаслик борасидаги фаолият ҳам профилактиканинг тартибга солиш объекти ҳисобланади”¹⁰.

Бизнинг назаримизда, жиноятларни профилактика қилиш жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг асосий йўналишидир, чунки у жиноятларнинг сабабларига таъсир кўрсатиш имкониятини беради. Оилада вояга етмаганларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жинсий жиноятларнинг олдини олиш тўғрисида сўз юритилганида, профилактиканинг аҳамияти айниқса яққол намоён бўлади.

А.Г.Лекаръ таклиф қилган таснифда жиноятларнинг олдини олиш ва тўхтатиш, огоҳлантириш чоралари бутун жиноятчиликка, айрим шахслар ёки жиноятлар гуруҳларига тааллуқли бўлиши мумкин эмас, балки муайян жиноятларгагина тегишлидир, яъни у индивидуал жиноий хулқ-атвор даражасида амал қилади. Индивидуал даражада жиноятларнинг олдини олиш профилактика, олдини олиш ва тўхтатишни ўз ичига олади. Муайян шахс томонидан жиноят содир этилишига йўл қўймасликка қаратилган огоҳлантириш фаолиятининг дастлабки босқичи профилактикадир¹¹. Индивидуал профилактика шахсга зарарли таъсир кўрсатувчи

⁸ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. –Б.26-28.

⁹ Лекаръ А.Г. Профилактика преступлений. – М., 1972. – С. 3-4.

¹⁰ Зарипов З.С., Мирзажанов К. Концепция закона о профилактике преступлений // Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Ташкент, 2005. –С. 165.

¹¹ Пулатов Ю.С. Культура предупреждения преступности // Ёшларда ижтимоий толерантликни юксалтириш масалалари: Илмий-назарий конференция материаллари. П китоб. – Ташкент, 2006. –С. 12-18; Исмоилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши кураш чоралари ҳақида // Мустақил Ўзбекистон фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари: Илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1994. –Б. 274-277; Жаҳонгиров И. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органлари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар // Болаларни ижтимоий ҳимоялаш: кураторлик функцияларини такомиллаштириш истиқболлари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2007. –Б. 148-163; Пулатов Ю.С. Неофициальные группы несовершеннолетних с агрессивной направленностью и некоторые меры их нейтрализации // Болаларни ижтимоий ҳимоялаш: кураторлик функцияларини такомиллаштириш истиқболлари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Ташкент, 2007. –С. 342-352; Исмоилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш:

омилларни бартараф этиш ёки шахснинг хулқ-атвори шаклланиши зарур қатъиятни таъминловчи вазиятни яратиш, зарарли таъсирларнинг аниқ манбаларини аниқлаш ва бартараф этишни назарда тутати. Буларнинг барчаси жиноий хулқ-атвор сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги фаолият ҳисобланади¹².

Жиноятларнинг олдини олиш – уларни содир этиш ниятида бўлган шахсларни аниқлаш йўли билан режалаштириладиган жиноятларнинг содир этилишига йўл қўймаслик ва уларга нисбатан зарур чоралар қўриш¹³ дир.

Жиноятларни тўхтатиш эса содир этишга киришилган жиноятнинг давом эттирилишига тўсқинлик қилиш мақсадида турли, жумладан, жиноят-ҳуқуқий чораларнинг қўрилиши, шунингдек, келгусида жиноий фаолиятнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи вазиятнинг яратилиши ҳисобланади¹⁴.

Жиноятларнинг индивидуал профилактикаси биринчи даражали аҳамият касб этади, чунки у одамларнинг яшаш учун қулай шарт-шароитларини яратиш ва шахснинг муайян жиноят содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган хусусиятларини ўзгартириш йўли билан жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилади. Бизнинг назаримизда, оиладаги яшаш шароитларининг ўзгариши вояга етмаганларга нисбатан жинсий тажовузларнинг олдини олишда айниқса, муҳимдир, бироқ бунда бузуқ жинсий майллар баъзан умуман оила ёки унинг айрим аъзосининг яшаш шароитларига боғлиқ бўлмаслигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Криминологияга оид адабиётларда огоҳлантириш чораларини мақсадларига кўра таснифлаш жиноятларнинг умумий ва махсус олдини олиш чораларига ажратиш бўлиб, улар умумижтимоий, махсус-криминологик ва муайян шахсларга нисбатан амалга ошириладиган индивидуал чора-тадбирларга бўлинишини назарда тутилади.

Маълумки, умумижтимоий чоралар бевосита жиноятларнинг олдини олиш мақсадини кўзламайди ва улар узоқ муддатга мўлжалланади. Амалда профилактиканинг умумижтимоий усуллари барча профилактика субъектларининг жамият ҳаётидаги йирик ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий муносабатлардаги зиддиятларни камайтиришга қаратилган изчил фаолият тизимини ташкил этади. Масалан, вояга етмаганлар улғаяётган оилаларнинг моддий жиҳатдан яхшиланаётганлиги умумижтимоий профилактика чораларининг амалга оширилганлиги маҳсулидир.

Юрид.фан.докт.илм.даражасини олиш учун дисс...автореф. – Тошкент, 2006; Тохиров Ф. Жинсий жиноятларнинг олдини олиш муаммолари. – Тошкент, 2007.

¹² Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларининг индивидуал олдини олиш муаммолари: Юрид.фан.номз.илм.даражасини олиш учун дисс...автореф. – Тошкент, 2006; Пулатов Ю.С. Жиноий хатти-ҳаракат хоҳишини башорат қилиш ва яқка тартибдаги жиноятларнинг олдини олишни амалга ошириш чоралари ҳақида // Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролар жамиятини шакллантириш муаммолари: Илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, 1996. –Б.182-187; Иноғомжонова З.Ф. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари суд ҳимоясида//ТДЮИ Ахборотномаси, 2002. -№5. –Б.24-27; Умаров Т.А. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашда кураторлик функцияларини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари // Болаларни ижтимоий ҳимоялаш: кураторлик функцияларини такомиллаштириш истиқболлари: Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2007. –Б. 54-64.

¹³ Мирзажонов К. Оилавий ҳаётдаги жиноятлар профилактикасининг айрим йўналишлари // Ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари: Ҳалқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2004. –Б.83.

¹⁴ Рустамбаев М.Х. Ответственность за преступления против здоровья по законодательству Республики Узбекистан. – Нукус, 1992. –С. 96.

Жиноятчиликка умумий профилактик таъсир кўрсатиш усуллари таснифлаш масаласига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, А.С.Шапочников, А.Б.Сахаров ва А.Р.Рашидов уларни ижтимоий-мафкуравий ва ҳуқуқий профилактика чораларига ажратганлар¹⁵. К.Е.Игошев умумий профилактиканинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, давлат-ҳуқуқий, ижтимоий-психологик ва маданий-тарбиявий усуллари қайд этган¹⁶. Биз К.Е.Игошевнинг таснифини тўғрироқ деб ҳисоблаймиз, чунки оилада вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олишда ижтимоий-психологик ва маданий-тарбиявий профилактика чоралари кўпроқ самара беради, деб ҳисоблаймиз.

Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш чораларини белгилашда, энг аввало, ушбу жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларининг келиб чиқишига ва жиноят натижасида келиб чиқувчи ижтимоий хавфли оқибатларни бартараф этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилган шахсларнинг жиноий хатти-ҳаракатларини олдини олиш учун жиноятчи шахсга оид қуйидаги белгиларни аниқлаб олиш зарур:

- ўтмишда бирон-бир жинсий жиноят содир этганлиги;
- шахсда руҳий аномалиянинг мавжудлиги;
- шахс меҳнат фаолияти юритадиган жойни ёки у муносабатда бўладиган шахслар доирасини аниқлаш. Масалан, ёш болаларни жинсий дахлсизлигига тажовуз қилиш ниятида юрган шахслар кўпинча болалар муассасаларида ишга жойлашадилар;
- болалик ёки ўсмирлик даврида жинсий ҳаётга қизиқиб ёки касаллиги туфайли жинсий жиноятлар содир этганлиги;
- ўзга жинс вакиллари билан муомалада бўлганида истерик касаллик белгиларининг намоён бўлиши;
- шахс томонидан жиноий ҳуқуқий жавобгарлик келтириб чиқармайдиган ғайриахлоқий ва сексуал ҳаракатлар содир этилганлиги;

¹⁵ Теоретические основы предупреждения преступности. – С.78-112, а также: Эргашев О., Жураев А. Ёшларнинг янги ҳуқуқий тафаккурини шакллантириш йўллари // Конституция ва инсон манфаатлари: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 1997. –Б. 61-63; Эгамбердиев Ж. Алоҳида ёрдамга мухтоги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида жамоатчилик ташкилотларнинг аҳамияти // Болаларни ижтимоий ҳимоялаш: кураторлик функцияларини такомиллаштириш истиқболлари: Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2007. –Б. 65-75.

¹⁶ Игошев К.Е. Социальный контроль и профилактика преступлений. – Горький, 1976. –С. 57; Акбарова Ф. Аёл – баркамол авлод тарбиячиси // Оила муҳитини соғломлаштиришнинг восита ва услублари: Конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2006. –Б. 5-9. Теоретические основы предупреждения преступности. – С.78-112, а также: Эргашев О., Жураев А. Ёшларнинг янги ҳуқуқий тафаккурини шакллантириш йўллари // Конституция ва инсон манфаатлари: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 1997. –Б. 61-63; Эгамбердиев Ж. Алоҳида ёрдамга мухтоги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида жамоатчилик ташкилотларнинг аҳамияти // Болаларни ижтимоий ҳимоялаш: кураторлик функцияларини такомиллаштириш истиқболлари: Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2007. –Б. 65-75.

¹⁶ Игошев К.Е. Социальный контроль и профилактика преступлений. – Горький, 1976. –С. 57; Акбарова Ф. Аёл – баркамол авлод тарбиячиси // Оила муҳитини соғломлаштиришнинг восита ва услублари: Конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2006. –Б. 5-9

– жинсий ҳаётдаги омадсизликлар натижасида суицидидал (ўзини ўзи ўлдириш) ҳаракатлар амалга оширилганлиги;
шахснинг қилмишида жинсий характердаги зўрлик ишлатиб содир этилган мотивсиз хатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги¹⁷.

References:

1. Абдурасулова Қ., Зокирова О. Криминология. Ўқув услубий қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2003. – Б. 28-29.
2. Ўразалиев М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш: Юрид.фан.номз.илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс... автореф. –Тошкент: ТДЮИ, 2008.
3. Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноятишларини биринчи босқич судида юриштишнинг хусусиятлари: Юрид.фан.номз. даражасини олиш учун ёзилган дисс...автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2006.
4. Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари: Юрид.фан.номз.илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс... автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2006.
5. Пайзуллаев К.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва экринлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номз.илм.даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореф. –Тошкент: ТДЮИ, 2006.
6. Файзуллаева В.Г. Влияние негативных изменений в социальной среде на криминализацию несовершеннолетних и молодежи и предупреждение преступлений среди них: Автореф. дисс. ... канд.юрид.наук. –Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2003.
7. Пулатов Ю.С., Зарипов З.С. Некоторые вопросы совершенствования предупреждения правонарушений несовершеннолетних, вернувшихся из специальных учебно-воспитательных учреждений // Научное исследование Н.А.Стручкова и проблемы совершенствования исполнения уголовного наказания: Сб.науч. трудов. – Уфа, 1992. –С. 64-70.
8. Пулатов Ю.С., Атаев Р. Уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш. –Тошкент, 1995; Зарипов З.С. Главное направление – профилактика правонарушений // Ҳуқуқ-Право- Law, 1998. -№2. – 26-28 с.
9. Жониқулов А.М. Жиноятчиликнинг олдини олишда ўтмиш мутафаккирлари маънавий меъросларининг ўрни // Ички ишлар органларининг жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2001. –Б.183-186.
10. Эгамбердиев Ж. Алоҳида ёрдамга мухтаги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида жамоатчилик ташкилотларнинг аҳамияти // Болаларни ижтимоий

¹⁷ Антонян Ю.М., Ткаченко А.А., Шостакович Б.В. Криминальная сексология. Под. ред. Антонян Ю.М. – М.: Спарк, 1999. – С. 397-398.

ҳимоялаш: кураторлик функцияларини такомиллаштириш истиқболлари: Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2007. –Б. 65-75.

